

## Аҳли аёлнинг нафақаси садақа ва Аллоҳнинг йўлида экани



15:57 / 28.06.2025 1659

«رَقْفَان» مَلَسُوهُ وَيَلْعَهُ لَلِإِيَّاصِ هَلْ لَأَلْأُسْرَرَلْأَقِ: لَأَقْرَلْغَمْرَبِ هَلْ لَأَدْبَعَنْع  
«رَقْدَصِ هَلْ أَيْعَلْ عِلْجَلْأا».

*Абдуллоҳ ибн Муғаффалдан ривоят қилинади:*

**«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишининг аҳли аёлига қилган нафақаси садақадир», дедилар».**

**Шарҳ:** Дарҳақиқат, аҳли аёлга нафақа қилиш садақадир. Чунки бунда киши вожиб ибодатни адо этади. Зотан, шариат ҳукми бўйича аҳли аёлнинг нафақаси вожибдир. Бу Аллоҳ таолонинг амридир. Шариатда кўрсатилган амални Аллоҳнинг амрини бажариш нияти билан қилиш Аллоҳ таолонинг йўлида қилинган иш бўлади. Шунинг учун ўз аҳли аёлимга

берсам, садақанинг савобидан маҳрум бўламан, деган тушунча нотўғридир. Аксинча, яхши ният билан, шариатнинг буйруғини, Аллоҳ таолонинг ҳукмини адо этяпман, аҳли аёлимнинг нафақаси менга вожибдир, шуни ҳалолдан адо этаман, деб ҳаракат қилган киши аҳлининг нафақаси туфайли улуғ ажрларга эришади.

رَأَتْ قِوَالِوِ فِارْسِ إِزْيَعِ نَمِوَهُ أَيْ لَعْلُجِ رَلِوَقْفِ نَأِإِذِإِ: لَأَقِوَتِوِ دِخِوَلِوَأِغِوَفِ رِوِي نَسِوَحِ لِوَأِ نَعِ  
«هَلِوَلِوَلِوِي بَسِوِي فِوَقْفِ نَلِوَلِوَأِةِ لَزِوَنِمِ بُوهُتِوَقْفِ نَتِوَأِ كِ».

*Ҳасандан ривоят қилинади:*

**«Киши аҳли аёлига исроф ҳам қилмай, жуда сиқиб ҳам қўймай нафақа қилса, Аллоҳнинг йўлидаги нафақа ўрнида бўлади».**

**Шарҳ:** Аҳли аёлга, яъни қарамоғидагиларга қилинган нафақада исроф қилиш ҳам, хасислик қилиш ҳам дуруст эмас. Балки ўртача, бир меъёрда нафақа қилиб бориш Аллоҳнинг йўлидаги нафақа бўлади.

Аҳли аёлнинг нафақасида исрофга йўл қўйиш барча ҳолатлардаги исроф каби ношаръий иш ҳисобланади. Шу билан бирга, бу иш аҳли аёлнинг ҳаддидан ошишига, одобсизликларга қўл уришига сабаб бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Аҳли аёлнинг нафақасини сиқиб қўйиш бахилликнинг ёрқин намунасидир. Бу нафақадаги кишиларнинг ҳаққини поймол қилишдир.

Барча иш ва ҳолатлардаги каби, бу ишда ҳам ўртача бўлиш маъқул. Зотан, динимиз васатийлик – ўртача йўл тутиш динидир.

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида айтади:

**«Инфоқ қилганларида исроф ҳам, хасислик ҳам қилмаслар, бу иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар» (67-оят).**

Араб тилида «инфоқ» – «нафақа» иборалари мол-пул сарфлаш маъносини англатади. Бизда «бировга садақа қилиш», «эҳсон қилиш» маъносида ишлатиш одат тусига кириб қолганлиги оятни нотўғри тушунишга, хайр-эҳсон, садақа қилганда мўътадил бўлиши керак-у, бошқа вақтларда нима қилса, ўзи билади, деган хаёлга олиб келмаслиги лозим.

Мусулмон киши мол-пул сарфлашда доимо мўътадил бўлиши керак. Мол-дунёни ҳеч қачон исроф ҳам қилмаслиги ва ҳаддан ташқари хасис бўлиб, зарур жойга ва керакли миқдорда сарфлашдан бош тортмаслиги ҳам

керак.

Исломда шахсий мулкчиликка кенг йўл очиб қўйилган. Шу билан бирга, кишиларга шахсий мулкларини ҳавойи нафсларига биноан тасарруф қилишларига ҳам йўл қўйилмайди. Аввало, бу мулкни гуноҳ ишларга, ҳаром-ҳаришга ишлатиш ман қилинган.

Шунингдек, мол-мулкни беҳуда сарфлашга «исроф» деган номни бериб, мусулмонлар исрофдан қайтарилган. Мол-мулкни беҳуда, ноўрин сарфлайдиган одам «сафийҳ» – эси паст дейилади. Ким сафийҳ бўлса, маҳкаманинг ҳукми ила унинг мол-мулки музлатиб қўйилади. Керак бўлганида, маълум миқдори берилади, қолгани сақлаб турилади.

Шу билан бирга, ўта хасис одамга қарши чора ҳам кўрилади. Болачақасидан, нафақасидагилардан қисиб, уларга ҳақлари даражасида сарф қилмаса, маҳкама уларнинг ҳақларини олиб беради.

Исрофгарчилик ва хасисликни танқид этиб, қораловчи кўплаб ҳадислар келган.

تَعْلَظُ فَكَوْبَتِ وَزَغِي مَلَسَوْهُ لَعْلَلِ لِيْلَصِي بِنَلِجَرَخ: لِقِرْ رَاخُمُ لِي بِيْ اَنْ  
اَنْ اَرَام: هَبْ اِحْصَا ضَعْبُ هَلْ لِقَاقِفْ، لُجْرُ هَبْ رَمَفْ، اَعْيَرْ سِ اَهْيَلَعْ مَاقِفْ، هُتَقَان  
هُ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ لِقَاقِفْ، هَلْ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ اَكْ وَ لِيْ وُقَا اَلْ وَاَلْ جِرْمُ وِيْلَاك  
نَاكْ نِ اُو، هَلْ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ اَكْ نِ اُو، هَلْ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ اَكْ نِ اُو، هَلْ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ اَكْ نِ اُو،  
اَهْيَنْ غِيْلِيْ لِيْ سَفَنْ لَعْلَلِ اَعْيَرْ سِيْ نَاكْ نِ اُو، هَلْ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ اَكْ نِ اُو، هَلْ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ اَكْ نِ اُو،  
«نَاطِيْ شَلْ لِيْ وُهْفَ عَمُ سَوَّ اَيَرْ عِيْ سِيْ نَاكْ نِ اُو، هَلْ لَلِ لِيْلَصِي بِنَلِ اَكْ نِ اُو».

*Абул Мухориқдан ривоят қилинади:*

**«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Табук ғазотига чиқдилар. Туялари келиб қолди. Унга тезда миндилар. Шунда олдиларидан бир киши ўтиб қолди. Ҳамма ўша кишига қаради. Шунда саҳобалардан бири у зотга: «Бугунгига ўхшаш бақувват, чапдаст одамни ҳеч кўрмаган эдик. Қани энди у Аллоҳнинг йўлида бўлса», деди.**

**Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар у ўзининг кичик болалари учун уринаётган бўлса, Аллоҳнинг йўлидадир. Агар у ота-онасига яхшилик қилиш учун уринаётган бўлса, Аллоҳнинг йўлидадир. Агар у ўзининг беҳожатлиги учун уринаётган бўлса, Аллоҳнинг йўлидадир. Агар риё ва хўжакўрсин учун уринаётган бўлса, шайтоннинг йўлидадир», дедилар».**

**Шарҳ:** Демак, мўмин-мусулмонлар риёкорликдан, хўжакўрсинчиликдан, фалончи гапиради, пистончи кулади, фалончини қойил қилиб қўяй, каби банданинг риоясини қилишдан мутлақо узоқ бўлишлари, ҳазир бўлишлари керак. Балки ҳар бир ишни соф ният билан, шариатда кўрсатилганидек, Аллоҳ таолодан савоб умидида адо этиш лозим экан. Шунда ҳам ҳожати раво бўлади, ҳам мурод-мақсадига етиб, бошқаларни хурсанд қилади, энг муҳими, Аллоҳнинг йўлида амал қилган инсон даражасига кўтарилади.

Ушбу ҳадиси шарифдан олинадиган фойдалар:

1. Ўзининг кичик болалари учун уринаётган одам Аллоҳнинг йўлида уринаётган шахс экани.
2. Ота-онасига яхшилик қилиш учун уринаётган одам Аллоҳнинг йўлида уринаётган шахс экани.
3. Ўзининг беҳожатлиги учун уринаётган одам Аллоҳнинг йўлида уринаётган шахс экани.
4. Риё ва хўжакўрсин учун уринаётган одам шайтоннинг йўлида уринаётган шахс экани.

سَيَّبَنَّ لَنَا عَ لَأَقَفَ؟ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْ صَيَّبَنَّ لَنَا عَ يَدْعَلُ تَلْقَفَ: ؕ بَعْشَ لَأَقِ  
هُ لَتَنَّاكَ أَهْبَسَتْ حَيَّ ؕ قَفَنَ هَلْ هَا لَعْلَلُ جَرَلَا قَفَنًا إِذِ: لَأَقِ مَلَسَ وَهِيَ لَعْلَلِ لَيْ لَصَ  
«ةَقَدَص».

*Шуъбадан ривоят қилинади:*

**«Адийга: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламданми?» дедим.**

**«Ҳа, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан. У зот: «Қачон киши аҳлига савоб умидида нафақа қилган бўлса, унинг учун садақадир», дедилар», деди».**

**Шарҳ:** Аҳлига, қарамоғидагиларга савоб умидида, бу Аллоҳнинг ҳукми, шариатнинг буйруғи, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўрсатмалари, бу менга вожиб, деган ниятда ва албатта, ҳалол-пок йўл билан топилган молдан қилинган нафақа садақа ўрнига ўтиб, улкан ажр-савобларга сабаб бўлиши шубҳасиз ҳақиқатдир.

**«Яхшилик ва силаи раҳм» китоби 1-жуз**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7613-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.

